



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирахмедов Жахонгир Мирхонович

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори

Аннотация: мақолада Тошкент шаҳри ҳудудида 20220-2021 йиллар давомида содир этилган босқинчилик жиноятлари таҳлили келтириб ўтилиб, жиноятни содир этган шахслар, жиноятнинг содир этилишининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳамда босқинчилик жиноятининг жабрланувчилари каби гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинган, босқинчилик жинояти профилактика объектларини ажрата билиш, рўйхатларни шакллантириб, объект ҳақида тегишли маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, ҳар бир объект билан манзилли профилактик тадбирларни ўтказишда муҳим аҳамиятга эгаллиги муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: босқинчилик жинояти, жиноят сабаблари, имкон берган шарт-шароит, жиноят содир этишига мойиллар.

Мулкка тажовузнинг оғир шаклларида бири босқинчиликдир. Босқинчилик жамият хавфсизлигига сезиларли даражада таъсир ўтказиши. Бу эса ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, хусусан, босқинчилик жиноятларининг самарали профилактик чора-тадбирлари, усул ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунида белгиланган асосий тушунчалардан келиб чиққан ҳолда, шахсларнинг қуйидаги тоифаларини ўзига хос хусусиятларини билиш ва уларга нисбатан профилактик таъсир чораларини қўллашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар қилмишлари таҳлил қилинганда улардаги шахсиятпарастлик, ғаразгўйлик, одоб-ахлоқ қоидалари ва қонун нормаларини, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини менсимаслик каби хусусиятлар кузатилади. Бу эса мазкур тоифа шахсларни босқинчилик жинояти содир этишларига ундовчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Босқинчилик содир этишга мойил шахслар хулқ-атворидаги ғаразгўйлик, манфаатпарастлик, бошқаларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини, одоб-ахлоқ қоидалари ва қонун нормаларини менсимаслик



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

каби салбий хислатлар жиноят содир этишига олиб келади. Бирок бу тоифа шахслар билан мунтазам равишда профилактик таъсир чораларини кучайтириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Босқинчилик жинояти содир этган шахсларда салбий ҳислатларнинг шаклланишини оиладаги, таълим муассасаларидаги таълим-тарбияда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, аввало, ота-оналарнинг, таълим-тарбия бериш учун масъул бўлган ўқитувчи мураббийларнинг, улар ўсиб улғайган маҳалладаги масъулларнинг ўз мажбуриятларини умуман ёки етарли даражада бажармаслиги оқибатида юз бермоқда.

Босқинчилик жиноятдан жабрланувчи (жабрланишга мойил) шахслардаги ишонувчанлик, бепарволик, лоқайдлик, мулкани ошкор қилиши каби хулқ-атвор ёки ҳаёт тарзи каби хусусиятларнинг мавжудлиги уларга нисбатан босқинчилик жиноятининг содир этилишига имкон яратиб бермоқда.

Юқорида келтирилган тоифа шахсларга хос бўлган хусусиятлардан ҳамда амалиёт таҳлилидан келиб чиққан ҳолда босқинчилик жинояти профилактикаси объектларини 3 та турга, яъни жиноят содир этишга мойил шахслар, босқинчилик жиноятлари содир этилишининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳамда босқинчилик жиноятининг жабрланувчилари ва жабрланишга мойил шахсларга бўлган ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Жиноят содир этишга мойил шахслар-ушбу тоифага ўзларининг ижтимоий, иқтисодий аҳволи, яшаш шароити, соғлиғи, шунингдек субъектив ва объектив омиллар таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этиши мумкин бўлган шахслар киритилган. Булар:

- маъмурий назоратда турувчи илғари судлаган шахслар;
- профилактик ҳисобда турувчи шахслар;
- пробация хизмати ҳисобида турган шахслар (маҳкумлар);
- тажоввузкор руҳий касаллар;
- узок муддатга чет элга чиқиб кетган ва қайтиб келганлар;
- ов қуролига эга шахслар;
- ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган шахслар, вояга етмаганлар ва оилалар;
- нотинч оилалар;
- ишсиз, кам даромадли ночор оилалар;



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

- сурункали алкоголизмга мубтало бўлган шахслар;
 - гиёхвандликка чалинган шахслар;
 - захарвандликка (токсикоман) чалинган шахслар;
 - ўзаро ҳал этилмаган қарздорлиги мавжуд фуқаролар;
 - руҳияти бузилган фуқаролар;
 - зўравонлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар
- муқаддам жиноят содир этган шахслар.

2. Босқинчилик жиноятлари содир этилишининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар-бу тоифага ҳукумат ва маҳаллий идораларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳадаги фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар, ҳозирча бартараф этилмаган, лекин бартараф этиш мумкин бўлган шарт-шароитлар киритилган. Булар:

- ташкилий-бошқарув соҳасидаги сабаб ва шарт-шароитлар;
- иқтисодий соҳадаги сабаб ва шарт-шароитлар;
- ижтимоий-маънавий соҳадаги сабаб ва шарт-шароитлар.

3. Босқинчилик жиноятининг жабрланувчилари ва жабрланишга мойил шахслар-бу тоифага ўзининг ҳулқ атори, яшаш тарзи, характери ва бошқа омиллар таъсирида жиноят қурбонлари. Булар:

- босқинчиликдан жабрланган шахслар
- жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар

Шу ўринда шахс томонидан босқинчилик жиноятларининг содир этилиш сабабларини ҳам назарда қолдирмаслик керак. Қандай ижтимоий, иқтисодий, субъектив ёки объектив омиллар, шарт-шароит ушбу жиноятларнинг содир этилишига туртки бўлмоқда, нималар оқибатида, қандай воқелик таъсирида босқинчилик жиноятлари содир этилмоқда. Бу кўсаткични қуйидаги Тошкент шаҳри ҳудудида 2021-2022 йиллар давомида содир этилган босқинчилик жиноятларнинг таҳлилидан келиб чиққан диаграммада кўриш мумкин.

Босқинчилик жиноятларига ўзга шахсларнинг салбий таъсири (45,1 фоиз) ва оиладаги носоғлом муҳит (29,3 фоиз) кўпроқ сабаб бўлмоқда

Босқинчилик жиноятларининг содир этилишини субъектив ва объектив омилларидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ҳудудида 2021-2022 йиллар давомида содир этилган босқинчилик жиноятларини жиноят содир этишга мойил шахслар, босқинчилик жиноятлари содир этилишининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Босқинчилик жиноятининг жабрланувчилари ва жабрланишга мойил шахслар каби гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинди.

Босқинчилик жинояти объектларининг хусусияти, ўзига хос жиҳатлари, тоифаларини ажратиб олиш мақсадида содир этилган босқинчилик жиноятларининг мазкур уч тоифага бўлган ҳолда таҳлилин кўриб чиксак.


ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ

Босқинчилик жиноятларининг 11,0 % 18 ёшгача бўлганлар, яъни вояга етмаганлар, 65,% 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар томонидан, 92,7 % эркаклар томонидан, 7,3 % аёллар томонидан, 59,8 % муқаддам судланмаган, 25,6 % эса муқаддам судланган шахслар томонидан, 61 % вақтинча ишсиз шахслар, 58,5% ўрта ва 20,7% ўрта махсус маълумотли шахслар томонидан содир этилган.

Босқинчилик жиноятини содир этганлиги учун жазони ўтаётган маҳкумларнинг муқаддам спорт турлари билан шуғулланганлик ҳолати ўрганилганда куйидагилар намоён бўлди:

Ҳозирда ОМҚ жазосини ўтаётган 1197 нафар босқинчилик жинояти содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларнинг 685 нафари муқаддам спорт турлари билан шуғулланганлиги, шулардан 406 таси спортнинг якка кураш ва оғир атлетика билан шуғулланганлиги маълум бўлди.

Босқинчилик жинояти содир этган шахсларнинг муқаддам спорт турлари билан шуғулланганлик ҳолати таҳлили (сонда)




- Бокс
- Кураш
- Каратэ
- Қўл жанги
- Таэквондо



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Таҳлиллар содир этилган босқинчилик жиноятларининг аксарияти (57 фоизи) муқаддам спорт билан шуғулланган шахслар томонидан содир этилаётганлигини кўрсатмоқда

Босқинчилик жинояти содир этган шахсларнинг муқаддам спорт турлари билан шуғулланганлик ҳолати таҳлили (фоизда)



БОСҚИНЧИЛИКНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ

Босқинчилик жиноятлари кўчаларда (43,4 фоиз) ва хонадонларда (26 фоиз) содир этилган бўлса, **жиноятларнинг** энг кўпи февраль (11,3 фоиз), март (13,2 фоиз) ва апрель (15,1 фоиз) ойларида содир этилган, яъни баҳор мавсуми ва совуқ кунларда, энг кўп пайшанба (35,5%) ва шанба (17,0%) кунлари қолган ҳафта кунларига нисбатан кўпроқ содир этилган бўлиб, соат 14:00 дан соат 22:00 га қадар (34,0 фоиз) ва соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар (41,5 фоиз) бўлган вақт оралиғида кўпроқ содир этилган, яъни тунги вақт танлаб олинган

БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ

Жиноятлар содир этилишида кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг хулқ-атвори ҳам сабаб бўлади. Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси ҳақида фикр юритишдан олдин “виқтимология” сўзининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш лозим.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Энциклопедик ва изоҳли луғатларда «виктимология» лотинча “victima” – жабрланган, жабрланувчи ва юнонча “logos” – таълимот яъни, жабрланувчилар ҳақидаги таълимот, деган маънони англатади.

Босқинчиликдан жабрланганларни статистик даражада ўрганиш шахсларнинг маълум туркумларига хос бўлган хусусиятларини аниқлаш ҳамда босқинчиликка қарши курашда унинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш имконини беради.

Босқинчилик жиноятларини содир этилишига имкон берган **шарт-шароитлар** ўрганилганида, жабрланганларнинг хулқ-атвори ва босқинчиликнинг содир этилиши қуйидагича бўлганлиги аниқланди:

Босқинчилик жиноятлари содир этилишига жабрланувчи виктимлиги (60,5 фоиз), кузатув камера ўрнатилмаганлиги (24,5 фоиз) ҳамда кўриқлов тўғри ташкил этилмаганлиги ва ёритилмаганлиги (15 фоиз) имкон берган.

Босқинчиликнинг қурбони бўлаётган шахсларни асосан вояга етган - 18 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар (89,9 фоиз), жабрланганларнинг 69,5 фоизини эркаклар ва 30,5 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Жабрланувчилар орасида ижтимоий фаол бўлганларнинг 18,5 фоизини хизматчи, 1,9 фоизини олий маълумотли, 2 фоизини ўқитувчи ва талаба, 4,8 фоизини нафақахўр, 32,9 фоизини тадбиркорлар ташкил қилган.

ТАҲЛИЛЛАР НАТИЖАСИ

Тошкент шаҳар ҳудудида 2021-2022 йиллар давомида содир этилган босқинчилик жиноятларининг юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотлар таҳлили босқинчилик жиноятларини содир этган шахснинг **ижтимоий портрети**, жиноятнинг содир этилиши сабаби ва унга имкон берган **шарт-шароитлар** ҳамда мазкур жиноятларнинг қурбонига айланаётган шахснинг **ижтимоий портретини** тузиш имконини беради.

Таҳлилий портретда, Тошкент шаҳрида содир этилган босқинчилик жиноятларининг бажарувчиси ва жиноят қурбонига айланган шахсларнинг умумий портретлари, яъни шахснинг жинси, ёши, судланганлиги, бандлиги, маълумоти, моддий аҳволи, қизиқиши, руҳияти ҳақида алоҳида-алоҳида маълумотлар жамланмасини, жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитларда эса, жиноят энг кўп содир этилган жой, шароит, вақт, жиноятчининг қуролланиши, етказилган тан жароҳат даражаси, тажовуз предметини кўриш мумкин.

Босқинчилик жиноятини содир этган шахснинг



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

ижтимоий портрети:

Жинси	эркак
Ёши	18-30 ёшгача
Судланганлиги	судланмаган
Бандлиги	вақтинча ишсиз
Маълумоти	ўрта
моддий аҳволи	кам даромадли
Қизиқиши	якка кураш ва оғир атлетика
Рухияти	тажовузкор, зўравон, қизиққон

Босқинчилик жиноятининг содир этилиши сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитлар, объектив омиллар

Жойи	Кўча	Шароит	Ёритилмаган ва назоратсиз кўча
Фасли	қиш/баҳор	жароҳат даражаси	етказмасдан/енгил
Ҳафта куни	пайшанба/шанба	қуролланиши	пичоқ, ниқоб
Вақти	14.00 - 06.00	предмети	пул, қимматбаҳо буюмлар

Босқинчилик жинояти қурбонининг
ижтимоий портрети

Жинси	эркак - 69,5% аёл - 30,5%
Ёши	18-50 ёшгача
Судланганлиги	судланмаган
Бандлиги	тадбиркор/хизматчи
Маълумоти	ўрта/олий
Моддий аҳволи	бадавлат
Феъл-атвор	мақтанчоқ/бепарво

Босқинчилик жинояти профилактика объектларини ажрата билиш, рўйхатларни шакллантириб, объект ҳақида тегишли маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, ҳар бир объект билан манзилли профилактик тадбирларни ўтказишда муҳим аҳамиятга эга.